



МАДАНИЯТ

№4 (139) 28.01.2021 йил

Муносабат

Маънавият ва маданият — гўё қушнинг икки қаноти



Давлатимиз раҳбари 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш борасида видеоселектор йиғилиши ўтказиб, юртимизда маънавият соҳасини янада комплекс ривожлантиришнинг аниқ механизмларини белгилаб берган бўлса, 20 январь куни маданият соҳаси иштирокчилари ва маданият ташкилотлари ҳуқуқи, мақоми, мажбурият ҳамда манфаатларини қонуний мустаҳкамлаган "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини имзолади. Бу бежиз эмас, назаримизда.

Зеро, маънавият ва маданият — гўё қушнинг икки қаноти. Улар соғлом ва муштараб бўлсагина юксак марраларга парвоз қилиш мумкин.

"Маданият" сўзи арабчадан олинган бўлиб, "шаҳар", "шаҳарликлар" маънола-

рини билдиради. Бугунги кунда она тилимизда ушбу сўзнинг маъноси янада кенгайиб, бизнинг хулқ-атворимиз, ўзимизни тутишимиз, юриш-туришимиз, гап-сўзимиз — ҳамма-ҳаммаси маданият даражамизни белгилаб беради.

Шу маънода кишиларда одоб-ахлоқ, кенг дунёқараш, юксак савия каби хислатларни тарбияладиган ва уларни тарғиб қиладиган муассасаларни маданият ташкилотлари, деб атаймиз.

Кейинги йилларда юртимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришнинг мутлақо янги ва самарали тизими яратилди. Бугунги кунда Маданият вазирлиги тизимида 102 та музей, 39 та театр, 47 та маданият ва истироҳат боғи, 826 та маданият маркази, 3 та ҳайвонот боғи, шунингдек, Ўзбек давлат цирки ва Ботаника боғи фаолият юритмоқда.

Очигини айтиш керак, маданий фаолият ва маданият ташкилотларига оид ижтимоий муносабатлар тарқоқ ҳолда бўлиб, ушбу соҳадаги фаолият 29 йил мобайнида қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинди.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий мамлакатларда, жумладан, Россия Федерацияси, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон, Украина каби давлатларда маданий соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган барча ҳуқуқий нормаларни ўз ичига қамраб олган "Маданият тўғрисида"ги ягона қонунлар қабул қилинган. Европа мамлакатларида, хусусан, Германияда 2016 йилда "Маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлса, Италияда "Маданий қадриятлар тўғрисида"ги қонун кучда.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Янги тарихий ҳужжат

3-саҳифада >>

Бизда маҳалладан бошланар Ватан!

4-саҳифада >>

Самарқанд саҳнасида "Бибихоним"

5-саҳифада >>



ПАРАНЖИ Либосда акс этган тарих

7-саҳифада >>



Муваффақият формуласи



Мақсад, меҳнат ва масъулият

Муваффақиятга эришишнинг 3та формуласи "MMM" ечимини топиш учун анча изландим, бунни яширмаймиз. Натижада 1-мақсад, 2-меҳнат, 3-масъулият сўзларининг мазмун-моҳиятини чуқур ўзлаштирдим, тинимсиз ўргандим. Ва шунга амин бўлдимки, мана шу формула жавобини топган ёшлар келажагига мустаҳкам пойдевор қўяди. Шундай шиолати ёшлардан бири украин миллатига мансуб ўзбек қизи Найпак Василсидир.



У 2000 йил 7 апрелда Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида таваллуд топган. Болалигидан ўзбек миллий музыка санъатига бўлган қизиқиши туфайли 2016-2017 ўқув йилида Фарғона санъат коллежи, ҳозирда Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактаби "Анъанавий чолғулар ижроси" бўлимининг дутор мутахассислигига танлов асосида қабул қилинди. У дастлабки кунлардан ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, ўзбек миллий чолғуси — дуторда миллий куйларни қалбдан ҳис қилиб ижро этиши билан барча тенгдошлари ва устозлари эътиборига тушди.

Устози Хуршида Қаҳҳоровадан миллий музыка санъати сирларини эринмай ўрганди. Унинг кўмаги ва рағбати билан улкан марраларни мақсад қилиб олди. Василса ҳар йили коллеж миқёсида ўтказиладиган турли тад-

бир ҳамда кўрик-танловларда мунтазам равишда иштирок этиб келарди. Жумладан, "Истеъдод", "Зулфия номидаги давлат мукофоти"га номзодлар, 2017 йил май ойида Ўрта махсус касб-хунаар таълими вазирлиги томонидан ўтказиладиган ёш ижрочилар республика кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади.

Унинг изланиш-интилишлари зоеъ кетмади. 2017 йил май ойида Тошкентда ўтказилган республика "Ёш ижрочилар" кўрик-танловига "Анъанавий ижрочилик" бўлими томонидан бир неча номзодлар танлаб олинди. Улар ичида Василсанинг номзоди ҳам бор эди. Ушбу танловда муваффақиятли иштирок этган Василса иккинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Давоми 6-саҳифада >>

Донолар сузлайди...

Гўзал гулни, осуда кечани, дуруст дўстни ҳамма хоҳлайди. Мухими, гулни тикани билан, кечани асрори билан, дўстни дарди билан қабул қила олмоқликдир.

Севмаганга чумоли ҳам юк, севганга филлар ҳам чумолидек гап. Агар инсон ошиқ бўлса ва ишонса, тоғни ҳам елкасида таший олади.

Шамси Табризий

Карор ва ижро

Маданият вазириликда матбуот анжумани бўлиб ўтди



Давоми. Боши 1-саҳифада

Куни кеча Маданият вазириликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақомамининг "Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулк объектларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2021 йил 20 январдаги қарори мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Матбуот анжуманида Маданият вазириликнинг биринчи ўринбосари Жамол Носиров, вазири ўринбосари – Маданий мерос департамен-

ти бошлиги Камола Оқилова, Инвестицияларни жалб қилиш ва маданий туризмни ривожлантириш бошқармаси бошлиги У.Асқаров, Маданият муассасалари ва хаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиги ўринбосари Қ.Аманкулов ҳамда бошқарма мутасаддилари иштирок этишди.

Улар ОАВ вакиллари мазкур қарор ортидан қутилаётган натижа, унинг аҳамияти хусусида батафсил тушунтиришлар беришди. Хусусан, маданият ва санъат соҳасида

давлат мулк объектларининг ушбу соҳадаги фаолият турини сақлаб қолиш шартли билан давлат-хусусий шериклик асосида берилиши қарорнинг асосий мезони эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Матбуот анжуманида вазириликнинг ҳудудий бошқармалари, тизим ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари ZOOM платформаси орқали ҳам онлайн иштирок этишди.

Матбуот ва ахборот хизмати

Маънавият ва маданият – гўё қушнинг икки қаноти

Шуларни ҳисобга олиб, соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда "Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Қонун 8 та боб, 53 та модданан иборат.

Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига белгиланган эди.

Тўғридан-тўғри амал қиладиган мазкур ҳужжатда кўплаб тушунча ва масалалар оидинлашди ҳамда бу ҳозирги кунда долзарблирини самарали ҳал этиш имконини бермоқда, дейиш мумкин. Жумладан, шу вақтга қадар ижодкор ким, ижодий жамоа қандай макомга эга бўлиши керак, ижодий фаолият мазмуни нимадан иборат ёки маданий тадбирлар қай кўринишда ташкил этилиши лозим каби саволлар ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ечим топмагани боис кўнгил ва қайғиди кишилари турли тушунмовчиликлар, ҳуқуқбузарликлар, бунинг натижасида асаббўзарликлар, дилхираликларга дуч келарди.

Қонунда ижодкор, ижодий жамоа, ижодий фаолият, маданий тадбирлар, маданий тадбир ташкилотчиси, маданият ходими ва бошқа тушунчалар мазмуни, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, вазифа ва қоллатлари аниқ белгилаб қўйилгани эндиликда бу борадаги барча қонунбузилиш ҳолатларининг чек қўйилишига олиб келади.

Бу ҳужжат соҳа вакиллариининг халқимиз, давлатимиз ва жамятимиз олдидagi бурч ва масъулиятини ҳам эслатиб туради. Хусусан, маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар сифатида маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятлар устуворлиги, ижодий фаолият эркинлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, маданиятлар ихтила-хиллиги, маданиятлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, маданий фаолият соҳасидаги таълим ва тарбиянинг тизимлиги, илмийлиги ҳамда узлуксизлиги белгилаб қўйилди.

Қонунда маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи органлар ҳам аниқ қайд этилди. Жумладан, ана шундай органлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг ҳам маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари белгиланди.

Сир эмаски, Маданият вазирилик деганда, шу кунга қадар турли тадбирлар, томоша ва байрамлар ташкил қиладиган, санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билангина шугулланадиган ташкилот кўз олдидан келар эди. Лекин бу қараш, бундай иш услуби тамоман эскирди ва энди маданият соҳасига халқимизда янги-ча муносабатни шакллантиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Қонун билан ташкилотимизнинг ваколат доиралари анча кенгайтирилди, дейиш мумкин. Вазирилик, аввало, маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади.

Иккинчидан, маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторинг юрияти, уни такомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқади.

Учинчидан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъати ривожланишини таъминлайди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда касбий ҳамда ҳаваскорлик санъати фестиваллари, кўрик-танловлар, шунингдек, кўргазмалар ўтказилишини ташкил этади.

Бешинчидан, маданият ва санъат соҳасидаги юксак ютуқлар учун мукофотлар таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги тақлифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади.

Олтинчидан, маданият ва санъатни ривожлантиришга доир мақсадли дастурларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди.

Еттинчидан, маданият ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маънавият охириши бўйича чоралар кўради.

Саккизинчидан, манфаатдор вазирилик, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда маданий фаолият соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Тўққизинчидан, драматик, мусиқали, мусиқали-драматик асарлари, тасвирий ва амалий санъат ҳамда ҳайкалтарошлик асарларини яратишга доир давлат буюртмасини амалга оширади.

Ўнинчидан, маданиятшуносликни, театршуносликни, санъатшуносликни, мусиқашуносликни ва маданий фаолият соҳасидаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантириш, олий таълим ташкилотлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашини такомиллаштириш юзасидан чоралар кўради.

Ўн биринчидан, вазириликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг маданият ва санъат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради.

Ўн иккинчидан, истеъдодли ёшларни ва истиқболли ижодий жамоаларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлашга доир тадбирлар мажмуини амалга оширади.

Ўн учинчидан, халқаро маданий алоқаларни амалга оширади ва ривожлантиради. Ўн тўртинчидан, тармоқларга оид бадиий кенгашларни ташкил этиш ва шакллантириш тартибини белгилайди.

Маданият вазирилик қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Вазириликлар ва идоралар тасарруфига бўлган маданият объектларида доир қарорлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилиги билан келишувга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади.

Қонунда чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маданий фаолият соҳасидаги мулк ҳуқуқи, соҳадаги муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳам ақ этдики, бу глобаллашув тобора кенгаётган бугунги кунда ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Масалан, 16-моддага кўра, ҳар бир шахс маданий фаолият соҳасида мулк ҳуқуқига эга. Мулк ҳуқуқи тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ашёларга, шунингдек, моддий маданий мерос объектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин. Тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ашёларни, шунингдек, моддий маданий мерос объектларини олиш тартиби, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунчиликда белгиланади.

18-моддага мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ижодий фаолияти натижаларини кўргазмага қўйиш, оммага кўрсатишни бошқа шаклларида фойдаланиш, шунингдек, уларни сотиш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳуқуқига эга. Тўғриси айтишимиз керак, бу шу вақтга қадар ўта "нозик" масала эди. Чунки аниқ меъёрий ҳужжат бўлмагани туфайли баъзан юртдошларимизнинг бу борадаги ҳуқуқлари маълум маънода чекланарди.

Яна бир гойат долзарб масала: қонунда маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тартиби ҳам белгиланмоқда. Хўш, маданий-оммавий тадбирлар деганда қандай тадбирларни назарда тутамиз?

20-моддада қайд этилганидек, аҳолини маданий тадбирларда иштирок этиш учун жалб қилишга, маданиятга эриштиришга ва аҳоли ўртасида юксак даражадаги маданиятнинг шакллантиришга қаратилган маданий тадбирлар маданий-оммавий тадбирлар жумласига киради.

Маданий-оммавий тадбирлар оммавий тадбирларни ўтказиш учун махсус мўлжалланган ёки мослаштирилган, ёнгина қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш тизимларида қўйиладиган коммуникация, муҳандислик-техник ҳимоя воситалари ва бошқа воситалар ҳамда маданий-оммавий тадбирлар иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозланганлигининг этгона норматив-ҳуқуқий талабларига мувофиқ бўлган очик жой участкаларида, биноларда, иншоотларда ҳамда бошқа жойларда (маданий-маърифий муассасаларнинг, спорт мажмуаларининг биноларида) ўтказилиши мумкин.

Маданий-оммавий тадбирлар оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади. Маданий-оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзга тушишга, шафқатсизлик ва ўзвонлиқни тарғиб этишга, шунингдек, ўзга шахслар ҳуқуқларини камситишга қаратилган плакатлар, тимсоалар, транспорантлар ва бошқа ашёлардан фойдаланиш тақиқланади.

Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, оммавий тадбирларни ўтказишга доир рухсатномаларини бериш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Мамлакатимизда шу пайтга қадар концерт-томоша фаолиятини ташкил этиш мезонлари ҳам чигал бўлгани учун соҳада қатор масалалар сўроқ остида қолиб келаётганди. Қонунда ушбу фаолият турини амал-

га ошириш тартиб-таомиллари ҳам белгиландики, бу кўплаб тушунмовчиликларнинг олдини олиши, шубҳасиз.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҳамда унинг ташқарисида концерт-томоша фаолияти Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик берадиган концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензия асосида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Концерт-томоша фаолиятини амалга оширишга доир лицензия шартлари жумласига концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка мажбурий равишда риоя этиш, ижрочиларнинг қонунчиликда белгиланадиган мезонлар ва малака талабларига мувофиқ бўлиши, жисмоний ва юридик шахслар томонидан аҳолига концерт-томоша хизматларини қонунчиликда назарда тутилган талабларга мувофиқ кўрсатиш ва бошқа талаблар киради.

Шу ўринда бир мулоҳаза: маданият бу – аввало тарбия дегани! Маданият соҳаси вакили эса қайсибир маънода тарбиячи. Шундай экан, биз, соҳа вакиллари кўча-кўйда бўлашимиз ёхуд тўй-тантанада, концерт ёки оддий халқ сайлидами, ташқи кўринишимиздан тортиб, юриш-туришимиз, гап-сўзларимиз, яшаш тарзимизгача бошқаларга ибрат бўлишимиз зарур. Маданиятлик шахс қиёфаси айнан бизда уфуриб туриши шарт. Афсуски, орамизда ўзининг номуносиб хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, тарбияси билан соҳа имижига салбий таъсир ўтказаятган ҳамкасбларимиз ҳам йўқ эмас. Эндиликда уларнинг фаолияти қонун билан мутлақо чекланади.

21-моддага биноан, концерт-томоша тадбирлари, тўйлар ва бошқа тантаналарда ҳар қандай санъаткор одоб-ахлоқ қоидаларига, саҳна ҳамда ташқи кўриниш маданиятига эид хатти-ҳаракатларни амалга оширса, маънавиятга салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда томошабинларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қиладиган ахлоқсизлик гояларини тарғиб қилса, уларга лицензия берилмайди, берилган бўлса, бекор қилинади.

Шунингдек, ижодкорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқариди концерт-томоша тадбирларини амалга ошириш тўғрисида лицензияловчи органни ёзма равишда хабардор қилиши, концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божи тўлаши керак.

Мухтасар айтганда, маданият соҳаси вакили "мақоми"ни олишининг ўзи қонунларга итбат этиб яшашни аналтади. Шу ўринда маданиятни одам ким, деган савол туғилади. Ўзини нималардан чеклай олган, ўзига тақиб қўя олган ва ўзини қайсида эзгу ишга мажбур қила олган одам – маданиятли одам. Ўз олдига муайян тақиб ва вазифа қўя олаётгани, ана ўша инсон турли нопок ишларга аралашмайди. Бундай инсонларнинг ҳаёт тамойилида эзгулик, бунёдкорлик, ҳалоллик, адолат устувор бўлади. Маданиятли инсон халқнинг маънавий халоскори бўлсагина жамятда ўз ўрнини топа олади.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири

Ташаббус

Ҳамкорлик меморандуми имзоланди



Куни кеча “Ўзбекино” Миллий агентлигида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликка оид меморандум имзоланди.

Учрашувда “Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан ишлаб чиқарилаётган бадиий, ҳужжатли, мультимедиялик фильмлар ҳамда миллий сериаллар, шунингдек, хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликда фильмлар

яратилганга тайёргарлик кўриш, суратга олиш жараёнларига Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаларини жалб этиш, уларни кинематография соҳаси билан таништириш каби масалалар буйича ҳамкорликка келишилди.

Эндиликда талабалар кинематография соҳасига оид жараёнлар билан танишилари ҳамда Агентлик билан келишилган ҳолда танлов асосида фильмлар

ишлаб чиқариш босқичларида иштирок этишлари мумкин.

Талабаларнинг хорижий студияларда чет эл тажрибасини ўрганиши мақсадида Россияда хизмат кўрсатган артист Фарход Маҳмудовнинг “Парининг совғаси”, таниқли продюсер Александр Кесселнинг “Кўёш лаззати” каби ижод намуналарини яратиб босқичларида иштирок этишлари мумкинлиги айтилди.

Маданий фаолиятга қанот

Муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар маданият ва санъат соҳасидаги қонунчиликни ҳам тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Соҳада олиб борилаётган ислохотларни тубдан яхшилаш мақсадида охириги 3-4 йилда Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳарақатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида маданият, илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантириш ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида белгиланган.

Янги тарихий ҳужжат

Дарҳақиқат, аҳоли, хусусан, ёшларнинг савиясини ҳар томонлама юксалтириш, уларни миллий ва умумбаъшарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етув, баркамол шахсларни тарбиялаш, замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, театр, мусиқа, тасвирий санъат ҳамда бошқа санъат турларини ривожлантириш, ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, ёш истеъдод эгаларининг қобилияти ва салоҳиятини рўбга чиқариш масалалари давлатимизнинг устувор вазифаларига айланиб бормоқда.



Ўқишда Ўзбекистон Республикасининг “Маданият тўғрисида”ги қонун лойиҳаси сифатида концептуал жиҳатдан қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, маданият соҳасидаги фаолият ва маданият ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилганлиги сабабли унга “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида” деб қайта ном берилди.

Чунончи, маданий фаолият – инсониятнинг маънавий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Маънавий-эстетик эҳтиёжлар маданият соҳасига тегишли бўлган санъат асарлари, маданий бойлиқлар, амалий санъат асарларининг мазмун-моҳиятидан олинган таассурот ва тасаввурлар орқали ўз ечимини топади.

Шу боисдан аҳолининг маънавий-эстетик эҳтиёжларини қондириш учун кулай шароит яратиш, хусусан, маданий тадбир ўтказиш, ижодкорлар ҳамда ижодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва шу қабилар айнан маданият ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, хорижий мамлакатларда, жумладан, Россия Федерацияси, Туркманистон, Қирғизистон, Қозғоғистон, Тожикистон, Молдавия, Арманистон ва Украина каби давлатларда маданият соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган барча ҳуқуқий нормаларни ўз ичига қамраб олган “Маданият тўғрисида”ги ягона қонунлар қабул қилинган.

Европа мамлакатларида, жумладан, Германияда 2016 йилда “Маданий бойлиқларни ҳимоя қилиш тўғрисида”, Италияда “Маданий қадриятлар

тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

Шунинг учун ушбу соҳага оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида халқаро ва хорижий тажрибани ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқилди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, маданият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, маданият ва санъат муассасалари, ижодий уюшма ва бирлашмаларнинг ҳуқуқий мақоми, ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ягона ҳуқуқий база яратилмагани турли эътирозларга сабаб бўлаётган эди.

Мазкур Қонунда маданият соҳасида давлат сиёсатининг мақсади ва асосий устувор йўналишларини белгилаш, улардаги ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини аниқлаш ва ваколатларини белгилаш, истеъдод эгалари ҳамда маданият муассасаларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, маданият ташкилотларини давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини такомиллаштириш ва бошқа қатор муҳим ҳуқуқий нормалар қамраб олинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси, Маданият вазирилик, “Ўзбекино” миллий агентлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўбга чиқарувчи, амалга оширувчи органлар сифатида кўрсатилиб, уларнинг ваколатлари белгиланган.

Шунингдек, Маданият ташкилотлари, уларнинг асосий туғилари, Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маданий фаолиятида иштирок этиши, Олис ҳудудларда маданиятни ривожлантириш, Маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш, давлат мадани-



ят муассасалари ва ташкилотларига “Миллий” ёки “Академик” мақомини бериш, маданият соҳасида халқаро ҳамкорлик, театр, цирк фаолиятига доир ва бошқа бир қатор соҳага оид нормалар акс этган.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, маданият марказларига оид нормалар киритилган бўлиб, унга кўра соҳада халқ ижодиётини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, янги истеъдодларни кашф қилиш, оммавий байрамлар, томошалар ҳамда халқ сайилларини ташкил этиш масалаларида тизимли фаолият юритиш белгилаб қўйилган.

Ушбу қонун билан “маданият ходими”, “ижодкор”, “ижодий жамоа”, “ижодий фаолият”, “маданий тадбирлар”, “маданий тадбир ташкилотчиси” каби тушунчаларга илк мартаба аниқ таъриф берилмоқда.



Мазкур тушунчаларга аниқ таъриф бўлмаганлиги сабабли амалиётда қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда қийинчиликларга, тушунмовчиликларга, ноаниқликларга дуч келинган эди.

Эндиликда Қонуннинг қабул қилиниши маданият соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш, мавжуд қарама-қаршилиқлар ва номувофиқликларни бартараф этиш ҳамда соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирishга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирилик
Юридик бошқарма бошлиғи
УБҲҲУАНОВ

Халқаро ҳамкорлик

Маҳорат сабоқлари ҳафталиғи

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси томонидан Лал Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази билан ҳамкорликда ўтказилаётган Ўзбек-Ҳинд санъат усталарининг маҳорат сабоқлари ҳафталиғи давом этмоқда.

27 январь куни Ўзбекистон давлат хореография академиясида Ҳинд рақслари мутахассиси Смирти Адитья хоним то-

монидан маҳорат сабоқлари ўтказилди. Унда Ҳинд рақсларининг турлари, ижро услублари ҳамда либослари ҳақида қизиқarli маълумотлар берилди.

Маҳорат сабоғи давомида Смирти Адитья хоним талабаларга Ҳинд рақсларини нафақат ижро этиб берди, балки уларни ўргатишга ҳам алоҳида аҳамият қаратди. Академия

талабаларининг мазкур рақсларни тезда ўзлаштириб, ижро этишгани эса мутахассис томонидан оқори баҳоланди.

Махсус дарсларда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Магёкубова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Карима Узоқова ва бошқа рақс мутахассислари ҳам иштирок этишди.



II Халқаро бахшичилик фестивали

Жорий йилда Қорақалпоғистонда жаранглайди

2021 йил апрель ойининг учинчи ўн кунлигида II Халқаро бахшичилик фестивали Қорақалпоғистонда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Фестивалнинг очилиш маросими Нукус шаҳрида бошланиб, якуний қисми Мўйноқда ўтади.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазири Қалбай Турдиевнинг таъкидлашича, бахшичилик фестивали билан бир вақтда Амударё тумани ҳудудидagi Чилпик қалъаси атрофида Болалар фольклор ҳамда Тахтақўпир туманида «Қаратерен ирғақлари» номли ёшлар фестивали ҳам ўтказилади.

Ўзбекистон Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Жамол Носиров ва бошқа мутасаддилар Қорақалпоғистонда бўлиб, тадбир ўтказиладиган жойларни ўрганишди.


Режага кўра, Нукус шаҳридаги Отчопар майдонида барча вилоятларнинг павильонлари ташкил этилади. Худудларнинг миллий урф-одат ва аъёналари, бахшичилик санъати шу ерда қад ростлаган сахналарда намойиш этилади.

Мўйноқда якуний қисмга бағишланган галаконцерт ўтказилиши ҳамда туман марказида ўтовлар қурилиб,

олов атрофида бахши-жировлар ижросида концертлар уюштирилиши мўлжалланган. Хориждан келган сайёҳлар ва меҳмонлар Мўйноқда бир кун қолиб, туманнинг сайёҳлик масканларига ташриф буюриши мумкин.

Маълумот ўрнида: I Халқаро бахшичилик фестивали 2019 йил 4 – 10 апрель кунлари ЮНЕСКО шафелиги остида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ўтказилган эди. Унга 20 та давлатдан 57 нафар ижрочи, халқаро ташкилотлар, шунингдек, Афғонистон, Туркия, Тожикистон ва Кувайт ҳамда бошқа давлатлардан фахрий меҳмонлар ташриф буюрилган.

Асл шеърят



Бизда маҳалладан бошланар Ватан!

*“Тош бўлсанг, тошларнинг мрамори бўлгин,
Гул бўлсанг, гулларнинг сарвари бўлгин.
Қадр топай десанг, ёруғ жаҳонда,
Яхшиларнинг буюк сардори бўлгин”*

(Ғазали Юнусова)

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ана шундай мақом даражасига муносиб инсон бўлган экан, лекин биз буни кеч англадик. Ута-онамизни ҳудди ҳеч қачон ботмайдиган қуёш каби доим бизга нур узатиб тураверадиган меҳр манбаи деб тушунганимиздек, Муҳаммад Юсуфдек шоирни ҳам шундай деб ўйлабмиз. Ундан яна, яна ва яна янги шеърлар кутиб, кунларни ўтказиб юраверганимиз мана энди ўзимизга бошқача таъсир қилапти. Унгача қуйланган қўшиқнинг ижросига қарсақларни чин дилдан чалдик, аммо қўшиқ сўзи ва унинг эгаси ҳақида сира ўйламадик.

Ўзбекистон давлатининг мустақилликка эришиши ва мустақамланишида ўзбек шеърятининг забардаст шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар қаторида ёш Муҳаммад Юсуфнинг ҳам ватанпарварлик руҳида ёзган шеърлари алоҳида нурили саҳифаларни ташкил этади.

Адабиётшунос олим, академик Изаат Султоннинг шундай фикрлари бор: “Буюк тарихий шахсларни буюк даврлар яратди ва бу шахслар ўзларини яратган замонгагина мансуб бўлиб қолмайдилар. Ҳар гал инсоният ўз тараққиётида янги янада баландроқ поғонага кўтарилишида ўтмишнинг тафаккур гигантлари ҳамкорликка ва ҳамкорликка келадилар. Жамият ўзи янги тарихий довозга талпиниши пайтида ўтмишнинг буюк сиймоларини мададорликка қакиради” деганларидек, Мухтарам Президентимиз ташаббуслари билан пойтахтимизда барпо этилган “Адиблар хиёбони”да ҳайкаллари қад ростлаган тафаккур гигантлари бутунги кунда баландроқ поғонага – учинчи Ренессанс сари шаҳдам қадамлар ташлашимизда бизга ҳамроҳ ва ҳамкорликка келмоқдалар.

Хиёбонда бўлиб ўтаётган ҳар бир тадбирдан сўнг шоир Муҳаммад Юсуф руҳи олдига қарзимиз қанчалар кўп эканлигини янада теранроқ хис эта бошладик. Муҳаммад Юсуф ва бошқа адиблар ҳайкаллари ёнидан ўтар эканмиз, беихтиёр мактаб партасида айтган уй вазибаларимиз ёдимизга тушади ва улар нима учун кўлга қалам олганлиги ҳақида чуқур ўйга толамиз.

Эътибор берсангиз, ҳамманинг сири ўзи билан кетади, фақат қалам аҳлининг барча асрорлари оламга дастурхон бўлади. Улар дарди узок-узокларга етиб боради. Улар афсусларини ёишади. Йиғлаб, Аллоҳга таваллоҳлар қилиб қалам тебратишади. Шу кўйга тушгачгина китобхонни уйғота олишади. Улар кўнглига келганини қозғога

туширмагунча, кўнгли таскин топмайди. Юрагида бўлаётган ғалаёни айтмагунча бошқа ишга қўл урولмайди. Халққа айтади, юкдан кутулади, дарддан халос бўлади.

Муҳаммад Юсуфнинг сафдош дўсти, шоира Сайёра Тўйчиева “Муҳаммаддон бир келиб кетди”, деганларида минг қарра ҳақ эдилар. Ҳақиқатан ҳам шоирамиз таъкидлаётганларидек, Муҳаммад Юсуф бу ёруғ оламга бир келиб-ю кетди.

Нафсиларини айтганда, биз аввалига Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақида кўнглимизда борини оққа кўчирмоқчи бўлдик, аммо қалам ушлашга нимадир тўсиқ бўлаверди. Бизнинг Муҳаммад Юсуфга бағишланган кўнги асроримизга Сайёра Тўйчиеванинг қуйидаги битиклари тегилиб ўтди. Шу шеър таъсирида юрак дафтарга кўчди.

*Кўкламоий нурига ўхшаб,
Майсаларнинг сирига ўхшаб,
Бугдўй исли шеърига ўхшаб,
Муҳаммаддон бир келиб кетди.*

*Декхон элга меҳри бекиёс,
Эркалиги бир ўзига хос.
Капалаклар, тинланг илтимос,
Муҳаммаддон бир келиб кетди.*

*Кўнглим менинг тоза дафтарим,
Дўсти йўқлаб бир чети ярим.
Сўзим битти биродарларим,
Муҳаммаддон бир келиб кетди.*

Ушбу сатрлар ҳар қандай китобхон кўнглини Муҳаммад Юсуф шеърятига етаклайди. Биз ҳам шу сатрлардан сўнг шоир ижодига қандай ёндашишимиз ўргандик.

Муҳаммад Юсуф шеърят дарвозасини тақиллатиб эмас, шарақлатиб кириб келди ва ҳеч кимга сездирмасдан, оҳистагина борса келмас томонларга равона бўлди. Шунинг учун ҳам бошқа шоирларга ўхшаб унинг ижодини, энг гуллаган даврини ҳеч ким сезмай қолди. Чунки унинг ижоди ҳудди лов-лов ёниб очилиб турган лолақизгалдоқзор сингари қайси томондан боқсанг, энг гуллаган ижод даври бўлиб қўзни қамаштиради.

Шоир дунёни ўзининг покиза нигоҳлари билан тасвирлади. Муҳаммад Юсуф ҳамманинг шоири. Ким нимага эҳтиёжманд бўлса, албатта, уни Муҳаммад Юсуфдан топади. Шу боис ижодкор шеърларини ўқиган ҳар қандай инсон кўркам фазилатлар эгасига айланиб қолганини сезмайди ҳам. Мағзи тўлиқ ва мазмуни бўлиқ сўзлардан ташкил топган ҳар бир мисрасида бизнинг юрагимиз яширингандек.

*Кўнглимнинг гавҳари шу азиз маскан,
Фидодир ҳамиша унга жону тан.
Оталар ҳимматин ёди машъали,
Оналар оқ сути ҳурмати – Ватан.*

Бу мисралар ер кўррасининг ҳамма жойида бир хил жаранглайди. Чунки Ватан ҳамма даврларда ҳам барча учун энг қадрли, муқаддас ҳисобланган.

Шоирнинг Ватан мавзусидаги шеърларини ўқир эканмиз, унинг “Маҳалла” номли ижоди эътиборимизни тортиди. Мазкур шеър ўзбекининг орномуси бўлган маҳаллага бағишланган бўлиб, беихтиёр ўша жойдан Ватан сайлаб яшагинг келадиган қилиб қуйлайди. Маҳалла деб аталмиш кичик бир Ватанни бундай тасвирлаш Муҳаммад Юсуфда миллий қадрият, миллий ифтихор каби тушунчаларга қанчалар яқинлик борлигини билдиради:

*Юзаки қаралса, марказ ҳашамлари,
Осмонўпар уйлар – ҳаммаси гўзал.
Аммо бош суқилса, буларнинг бари,
Бир оддий маҳалла олдига ўсал.*

Бунда шоир шаҳардаги осмонўпар уйлarning барчасидаги бир хиллик ва бир-бирини тақрорловчи манзаралар қанчалар кўркам ва гўзал эканлигига тан бериши, лекин ўзбекининг пасткам уйларидан иборат маҳаллалари ҳаммасидан ҳам юқори туришини фахр ва ифтихор билан шеърга кўчириб қуйламоқда. Маҳаллани ўзбекона яшаш қонун-қоидалари бир нуқтага жамланган одо-ахлоқ маскани дея саҳифаси олтин мажаллага, унда ҳулқида нуқсон бор, номукаммал одамлар йўқ эканлигини, яъни нопок одамлар қадами етмаган муқаддас ва пок гўша деб таърифламоқда:

*Ўзбегим қомуси – маҳаллам менинг,
Сенинг ўз қонунинг, одапларинг бор.
Саҳифаси олтин мажаллам менинг,
Сен ноқис оёғи етмаган диёр.*

Ушбу мисраларда ўзбекининг “Бир болага етти қўшин ота-она” мақолига ишора қилинмоқда. Бу билан шоир ўзбекистонликлар “боланинг бегонаси йўқ” тамойилига амал қилган ҳолда яшашларини ва бу дахлдорлик хисси юрт тинчлиги ва Ватан равнақи йўлидаги биринчи қадам эканлигини назарда тутмоқда.

Шоир маҳалладаги самимий ва илиқ муносабатларни қуйлар экан, ўз фикрини навбатдаги сатрларда қуйидагича давом эттиради:

*Барақа дейсизми, оқибатми ё,
Илқиликнинг бари бунда муҳайё.
Шу жойдан бошланар инсоф водийси,
Маҳалла – диёнат, маҳалла – ҳаё.*

Қаранг, шоир маҳаллани инсоф водийси деб атапти. Бу дегани у ерда ҳар бир кун ҳавасларга тўла ниятлар билан ўтади дегани. Бу у жойларда яшайдиган ҳар бир инсон яхши фазилатларнинг эгасига айланиб улгурган дегани эмасми?! Ташбехни қаранг, бундай мақом ҳеч қайси мил-

лат шоири қаламидан тўкилмаган, ахир.

Мисраларга эътибор берсак, шоир ўзбекининг маҳалласини диёнат ва ҳаёга ўхшатмоқдаки, яъни байт бошида келган барақа ва оқибат ҳамда диёнат ва ҳаё эгиз тушунчалар сифатида бир-бирининг мазмунини тўлдириб келяпти.

Маълумки, муқаддас Каъба зиёратида кийиб юрадиган либоснинг номи эҳром дейилади. Шоир қуйидаги сатрларида ана ўша эски томларга ҳам ҳавас билан қараш, қадимий деворлар эса унга эҳром либоси каби муқаддас ва қадрли эканлигини қуйидагича ифодалямоқда:

*Эски томингга ҳам қиламан ҳавас,
Қадимий деворлар менга эҳромлар.*

Баҳорни томлардаги лолақизгалдоқлар билан қарши олган шоиримиз ўша томларни ҳавас билан эслаб, том тағидаги эски деворларни бежизга эҳромларга қиёсламаяпти. Чунки эҳром қийган одам чин маънодаги мусулмон, яъни ҳамма гуноҳ ва хатолардан фориғ бўлиб, покланган тоза вужуд. Бу билан шоир эски деворларни эҳромга, унинг ичидagi одамларни эса ҳали гуноҳлар қилишга улгурмаган поқдил инсонлар дея таърифламоқда.

Шунингдек, агар ушбу фикрларни янада кенгроқ талқин этадиган бўлсак, ўзбек халқининг ким эканлигини танитувчи бу қадимий деворларимиз эканлигига алоҳида урғу бериб ёндашмоқда.

Ўзбекининг маҳалла деб аталган мактабидан буюк шахслар етишиб чиққанлигини биргича шоир Ғафур Ғулум мисолида келтириб ўтмоқда:

*Чунки осмонўпар қасрларданмас,
Маҳалладан чиққан Ғафур Ғулумлар.*

Шеърнинг сўнги сатрларига мурожаат қилар эканмиз, шоир юрагида яна нималар қолганлигини сездик. Ватанини севишни биз ҳам Муҳаммад Юсуфдан, айнан “Маҳалла” шеърини ўргандик.

*Шоир эмас, жарчи бўлайдим агар,
Ким келса дердим мен, қайси сарҳаддан:
Меҳмон, марказни қўй, маҳаллаа бор,
Бизда маҳалладан бошланар Ватан!*

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ана шундай овози ва сози бор чинакам Ватанпарвар макомидagi инсон эди. Афсуски, биз буни сал кечроқ англадик.

Ўтқир ИСЛОМОВ,
ЎзДСМИ “Ўзбек тили ва адабиёти”
кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди

Жўрабек ТўЙЧИЕВ,
ЎзДСМИ “Маданиятшунослик”
мутахассислиги магистранти

Тайинлов

Янгича ғоя, кенг дунёқараш ва катта шижоат билан...

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага берилётган алоҳида эътибор ҳар бир маданият ташкилотлари, ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада кучайтирди. Тизим ташкилотларига энди соҳани чуқур биладиган, янгича ғоялар ва кенг дунёқарашга эга, ўз ишининг фидойилари раҳбарлик қилиши керак.

Бугун Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармасига янги раҳбар та-

йинланди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков иштирок этди. Ушбу лавозимга муносиб қўрилган номзод – Абдуваҳоб Сахиев 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат филармонияси бош директорининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиб келатган эди. Шу фурсат ичида ўзининг меҳнатсеварлиги, фидойилиги, фаоллиги, масъулияти билан эътибор қозониб, раҳбарият эътирофига сазовор бўлди.

Янги раҳбарни жамоага таништираётган экан, Маданият вазири Озодбек Назарбеков Абдуваҳоб Сахиевни соҳанинг жонқуяри сифатида янгича инновацион ғоялар, кенг дунёқараш ва катта шижоат билан санъат ва маданият ривожига салмоқли ҳисса қўша олишига умид билдирди ва унинг фаолиятига муваффақиятлар тилади.



Расмий хабар

Концерт-томоша тadbирларини ўтказишга рухсат берилди

Республика махсус комиссияси қарорига кўра, концерт-томоша тadbирларини жорий йилнинг 28 январидан бошлаб санитария-эпидемиологик талабларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этишга рухсат берилди.

Ушбу қарор сўнгги кунларда келиб тушган кўплаб маданият соҳа вакиллари мурожаатларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, халқимизга маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қўлай шароит яратиш мақсадига қабул қилинган.

Республика махсус комиссияси қарори билан концерт ва томоша тadbирларини ўтказиш бўйича

қуйидаги талаблар белгиланди:

■ концерт саройларининг томошабин сигимини инобатга олган ҳолда томошабинлар сонини 50 фоиздан оширмаган ҳолда ташкил этиш;

■ концерт саройларининг томошабин ўриндиқларидан оралик масофани сақлаган ҳолда фойдаланилишини таъминлаш ва бу борада оралик масофани сақлаш учун талаб этиладиган ўриндиқларни консервация қилиш;

■ концерт саройларига ташриф буюрувчи томошабин ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимлар қатъий ниқобда (маскада) бўлиши.

Шунингдек, ушбу қарор билан Республика махсус комиссиясининг умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектлар томонидан соат 8:00 дан 23:00 гача бўлган даврда фаолият юритиши билан боғлиқ чекловлар бекор қилиниб, Вазирлар Маҳкамасининг "Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жомат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида" 2019 йил 24 июлдаги 624-сон қарори талаблари доирасида фаолиятнинг ташкил этилишига рухсат берилди.



Премьера

25 январь куни Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида ёзувчи Шаҳодат Исахонованинг "Турон маликаси" романи асосида театрнинг бош режиссёри Шухрат Санақулов томонидан саҳналаштирилган "Бибихоним" спектакли премьераси томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Самарқанд саҳнасида "Бибихоним"



Саҳна асарини шаҳар ҳокими Бобурмиро Облоқулов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг вилоят филиали раҳбари Рустам Қобилов, вилоятдаги кўғирчоқ, рус драма, Каттақўрғон шаҳар драма театрлари раҳбарлари ва ижодкорлари, шунингдек, журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари томоша қилишди.

Спектаклда улуг аждодимиз Соҳибқирон Амир Темура вафотидан сўнг темирвий шахзодалар ўртасида тожу тахт учун олиб борилган курашлар туфайли салтанатнинг парчаланиб кетаётганлиги акс эттирилган.

Халил Султон Мирзо бобоси Соҳибқирон васиятига амал қилмай ўз бошимчалик билан салтанат пойтахти бўлмиш Самарқандни эгаллайди. Малика Шоди Мулк турмуш ўртоғи Халил Султонни кўғирчоқдай ўйнатиб, уни мунофиқлик йўлига бошлади.

Бибихоним қанчалик тўғри ва адолатли йўлга бошласин, ўзларини салтанат эгалари деб ҳисоблаган Халил Султон ҳамда Шоди Мулк расман валиаҳд деб эълон қилиниши керак бўлган оғаси шахзода Пирмуҳаммад Мирзони, содиқ бўлган амиру бекларни ўлдирди, қолганларини эса пойтахтдан бадарға қилди.

Сароймулкхоним Соҳибқирон салтанати парчаланиб кетмаслиги, Халил Султоннинг тўғри йўлга (ҳақ йўлга) қайтиши, адолатли бўлиши учун панднасихатлар қилди. Ўзи ва салтанати тизгинини Шоди Мулк қўлига топшириб қўйган Халил Султон Бибихонимнинг сўзларига қулоқ осмайди.

Спектакль якунида ёш шахзода Улугбек Мирзо булутлар ортдан кўринган кўшдай Бибихонимда ва халқда умид уйғотиб, Соҳибқирон салтанатида тинчлик ўрнатади ҳамда тахтга ўтиради.

Хотира кечаси




Зикир Муҳаммаджонов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди

25 январь куни Ўзбек миллий академик драма театрида театр ва кино санъатининг афсонавий ижодкори, Ўзбек санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган маданият ва жамоат арбоби Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кун муносабати билан ташкил этилган хотира кечасида етук санъаткорнинг шоғирдлари, санъат аҳли ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

Хотира кечасида, шунингдек, Ўзбекистон давлат драма театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган, ижодкор ҳаёти қамраб олинган саҳна кўриниши тadbир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Кутлов



Маданият ва санъат фидокори

Маданият вазирининг 2020 йил 7 декабрдаги буйруғи асосида маданият ва санъат ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келатган соҳа вакиллари қатори "Ўзбекконцерт" давлат муассасасининг Самарқанд вилояти бўлими бошлиғи Одил Рустамов ҳам "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишони билан тақдирланган эди.

Шу муносабат билан Самарқанд вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Хўжақул Муҳаммадиев ушбу кўкрак нишонини ўз эгасига топширди.

Одил Темировични «Маданият ва санъат фидокори» кўкрак нишонини билан самимий табриклашимиз ва келгуси фаолиятида ҳам муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Улуғлари эъзозланган юрт

Исло Каримов сиймоси амалий санъат асарларида



2021 йил 25 январь куни Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исло Каримов таваллуд кунини нишонлаш ҳафталиги доирасида "Исло Каримов сиймоси амалий санъат асарларида" номи кўргазманинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январьдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилган тadbирда кенг жамоатчилик вакиллари, санъатшунослар, мусаввирлар, журналистлар иштирок этишди.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Исло Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ҳамда Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ҳунармандлари томонидан яратилган, Биринчи Президентимиз сиймоси туширилган амалий санъат намуналари Исло Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси музейи фондидан ўрин олган бўлиб, Исло Каримовга хорижий давлатлар Президентлари ва халқ ҳунармандлари томонидан совға қилинган амалий санъат асарларида.



Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Исло Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси директори Темир Ширинов ҳамда Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи директори Исмаил Юсупов ва Юнус Ражабий уй музейи директори Ҳасан Ражабийлар сўзга чиқиди.

Исло Каримов Ватанимизни мустақил ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантирди. Узоқни кўра олиш, сиёсий билимдонлик, олижаноб инсоний фазилатлари билан нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган буюк шахс ва давлат арбоби Исло Каримов сиймосини яратиш ҳар бир ижодкор учун катта масъулият ва улкан шарафдир.

Ташриф буюрган меҳмонларга мажмуа томонидан нашр этилган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Исло Каримов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоблар тақдим этилди.

Кўргазма 30 январь кунига қадар давом этади.
И.ЮСУПОВ,
музей директори

Тадбир

Ёшлар билан учрашув



Фаргона вилояти Кўқон шаҳар мусиқали драма театрида Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи полковник Фарход Ҳасановнинг ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Фаргона вилояти Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими, Ҳуқуқбузарлар профилактикаси хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи, майор Дилшода Уринова, катта инспекторлардан Наргиза Ҳамдамова, Нафисахон Эгамовалар ҳам иштирок этиб, ёшлар ўртасидаги жиноят-

чилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жимтойим ҳимояга муҳтож, жиноят содир қилишга мойиллиги борлар бўйича ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш орқали жамиятнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари юзасидан суҳбатлашди. Шунингдек, қатнашчилари томонидан йўланган саволларга жавоб берилди.

Учрашувнинг бадиий қисмида Кўқон шаҳар ҳокимлиги Маданият бўлими тасарруфидоғи "Сарви-гул" миллий чолгулар халқ ансамбли жамоаси ҳамда хушовоз хонадалардан Мирсоат Мирсолиев, Нар-

мон Эрматов, Дostonбек Деҳқоновлар ижросидаги дилтортар куй-қўшиқлар, Турон марказий маданият маркази қошида Ёкутхон Мадраҳимова томонидан ташкил этилган "Тумор" болалар рақс ансамбли тўғрисида аъзоларининг чиқишлари кечага ўзгача шукӯҳ бағишлади. Шаҳар мусиқали драма театри актёрлари ижросида намойиш этилган сахна кўринишлари ҳам йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Н.УСМАНОВ,

Кўқон шаҳар маданият бўлими "Ўрда" маданият маркази филиал мудири

Кигиз

Хунарларга бой Сурхоним

Сурхон хунармандлари қадимдан чорвачилик маҳсулоти ҳисобланган жундан турли рўзғорга керакли буюмлар тайёрлашган. Жумладан, хуржин, тўрва, чакмон, такиямаат, қоп, напрамач, бўғжама, ҳар хил гиламлар ва қора уйлар учун кигиз, арқон, ип ва ҳоказолар. Улар ичида кигиз тайёрлаш касби асрлар оша давом этиб келаётган хунар ҳисобланиб, анча машаққатни талаб этади. Воҳа хунармандчилигида кигиз асосий рол ўйнаган. Ушбу жараён учун кузги қирқилган қўй жуни маъқул кўрилаган. Чунки кузда қирқиб олинган жунлар дағал ва қалин бўлган, натижада кигиз мустаҳкам чиққан. Илк баҳорда қирқилган жундан эса юмшоқ ва майинлиги учун йигириб ип тайёрланган ҳамда гилам тўқилган.

Кигиз турли мақсадларда ишлатилган. Жумладан, ерга тўшама – гилам, ўтовларга ёпинч, турлик, жабдуқ ва от эгарларига ёпич сифатида, баъзан кийим сифатида ҳам фойдаланишган.

Кигиз тайёрлаш учун, аввало, қирқиб олинган жун ювиб тозаланади ва саваланади. Сўнгра жунга табиий бўёқлар билан ранг берилади.



Бўёқ берилгач жун ерга ёйилиб, устига сув сепилади. Ҳўлланган жун намат қолип устига текис қилиб ёйилади. Рангдор жунлардан гўл ҳосил қилиниб, устидан қайноқ сув қуйилади. Нам ҳолатта келтирилган намат ўралиб, арқон боғ билан боғланади ва оёқ билан тепилади. Вақти-вақти билан сув сепиб, Ҳўллаб турилади. Анча вақт Ҳўллаб, тепилган намат ўрамини ечилиб, яна сув сепилади ва ўралади. Кейин тайёр бўлган кигиз четлари тортилиб, текислаб чиқилади ва офтобга ёйиб қурилади. Кигизнинг асосий хусусиятларидан бири инсон саломатлиги учун фойдали эканидир. Чунки у намликни ўтказмайди. Бундан ташқари, ўтовлар устига ҳам кигиз ёпишган. У ёғингарчилик ва қуёш нуридан сақлаган. Кигизнинг оқ, қулранг ва ранг-баранг хиллардан таркиб топган турлари мавжуд. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, кигиз тайёрлаш ишларини асосан аёллар бажаришган. Жараён ишлаб чиқариш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчиси, гўлсиз оддий кигизлар, иккинчиси, гўлли кигизлар.

Гўлли кигизлар такиямаат ёки таки наъмат деб аталади. Воҳада кигизнинг "туғдонагул", "тақиргул", "туғмабақа", "тажакгул", "гултайлама", "қирқонагул", "шоҳмола", "қирдўнгил", "олтидўнгил" каби турлари кўп тайёрланган.

Бундан ташқари, воҳа кигизларида узунлиги бўйича учта ромбсимон медальонларга ўхшаш нақшларни кузатиш мумкин. Сурхон кигизларида асосан шоҳсимон, кўчқор шоҳига ўхшагани учун "кўчқорак" деб номланган нақшлар кўп учрайди.

"Термиз" давлат музей-қўриқхонасининг этнография фонди ва экспозиция залларидан ҳам кигизнинг кўчқорак ва бошқа нақшинкор хиллари ўрин олган.

Лекин шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда кигизлар ўз ўрнини гиламга бўшатиб бераётгани учун ҳам уларни тайёрлаш касби камайиб бормоқда.

Моҳигул ХОДЖАЕВА, "Термиз" давлат музей-қўриқхонаси этнография бўлими мудири

Давоми. Боши 1-саҳифада

Мақсад, меҳнат ва масъулият

2017-2018 ўқув йилида Найпак Василиса янада янги мақсад ва вазифаларни режалаштирди. Шу йили ўтказилган "Зулфия номидаги давлат мукофоти" ҳамда "Ниҳол" давлат мукофоти танловининг шаҳар босқичида, шунингдек, 2018 йил май-июнь ойлари Тошкентда ўтказилган халқаро "Истеъдод" танловида иштирок этди. Уларга тайёргарлик жараёнларида ижро маҳорати, мусиқий тафаккури ва дунёқараши янада бойиди, ривожланди.

2018-2019 ўқув йилида ҳам Василиса қатор нуфузли танловларда муваффақиятли иштирок этиб,

ғолиблар қаторидан ўрин олди ва "Ниҳол" давлат мукофотида сазовор бўлиб, имтиезли равишда Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинди. Ҳозирги кунда Василиса консерваториянинг иқтидорли, истеъдодли талабаларидан бири сифатида устозлари ва тендошларининг ҳурмат-этиборини қозонган. У Ўзбек миллий мусиқа асосби дуторнинг имкониятлари нақадар кенглигини намойиш этиб келаётган муваффақиятли ёшлардан биридир.

– Василиса 3 йил давомида ўзига берилган вазифаларга масъулият билан ёндашиб, ти-

нимсиз меҳнат қилди, – дейди устози Хуршида Қаҳқорова. – Биз бу меҳнатлар самарасини у эришган ютуқларда кўрдик. Василисанинг ўзбек миллий мусиқасига бўлган катта қизиқиши, меҳри бошқаларга ибрат бўлса аризулик. У мусиқий илмини ўрганишда вақтнинг қадрига етди, ундан умумли фойдаланди. Ўзбек тилини ўз она тилидек севди, улуғлади...

Ҳа, Ўзбекистон – келажиги буюк давлат. Василисага ўхшаган иқтидорли ёшларимиз жуда кўп бўлиши керак. Ёшларни кўллаб-қувватлаш йилида бундай истеъдодларимиз учун яна чексиз имконият-

лар эшиги очилди, десак асло муволага бўлмайди. Зотан, маданият ва санъат соҳасига оид фармонлар ижроси ҳар бир ҳудуд кесимида Маданият Вазирлиги бошчилигида атрофлича амалга ошириляпти.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай ташаббусларни, турли маънавий-маданий, маърифий тадбирларни республикамизнинг барча ҳудудларига ахборот шаклида етказиб бераётган "МАДАНИЯТ" газетаси тахририятига ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан.

Муроджон КАМОЛИДДИНОВ, ўқитувчи

Зеб-зийнат буюмлари



Момолардан қолган безаклар

Зеб-зийнат буюмлари – заргарлик санъатида яратиладиган безакли тақинчоқлар. Аёллар либосини бойитиб, уларни янада назоқатли ва жозибали кўрсатишга хизмат қилади. Асосан олтин, қумуш ва бошқалардан ясалиб, жаҳоирлар қўйиб безатилади, жим-жимадор қилиб раҳқори, қумушни қорайтириб соводқори, пан-жарали қилиб шабака ва бошқа усуллариди ўйма ҳамда бўртма нақшли турларда ишланади, шокилалар билан безатилади.

Тақилишига кўра, бош (тиллақош, тиллабаргак, бодомой, бибишак, гажак, қўшдуо ва бошқалар), бўйин-кўкрак (турли маржон ва марваридлар, нозигардон, жевак, тангажевак, тавқ, бўйинтумор, кўкрактумор, қўлтиқтумор каби туморлар, бозубанд ва бошқалар), соч (сочпопук, туф ва бошқалар), қулоқ-бурун (булоки, исирғалар ва бошқалар) ва қўл (узук, билагузуклар) зеб-зийнат буюмлари хиллари фарқланади.


Уларнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадим даврга бориб тақалади. Археологлар юқори палеолит қатламларидан топган тош мунчоқ, тўғноғичлар, жез даврига оид билагузук, тўғноғич ва туғмалар илк аждодларнинг дастлабки безаклари ҳақида хабар беради. Кейинги даврларда яратилган тилла буюмлар бўртма тасвирлар, сопол хайкалчалар, ўрта асрларга оид деворий расмлар, қўлёзма асарлари ишланган мини-атюраларда акс этган. Зеб-зийнат буюмлари вақт ўтиши билан бир-бирини тўлдириб, XIX аср охири ва XX аср бошларида ахлит тўпламларни ташкил қилган. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ясалган заргарлик буюмлари ўзига хос маҳаллий хусусиятлари билан бир-бирдан фарқ қилади.

XX асрнинг 20-йилларида заргар усталар артелларга биришланиб, анъанавий серҳашма ва оғир зеб-зийнат буюмлари ўрнига халқ дидига мос енгил, қулай ва нафис исирғалар (қашқарболдоқ, "исирға-барг", бухор зирак – "шибирма", "ойзирақ", илон зирак ва бошқалар), ёқут қўзли узуклар, билагузуклар ясала бошланди. Хом ашё сифатида мис, қумуш ва тилла безаклардан, қисман давлат ажратган тилладан фойдаланилди. 1963 йил-



да Тошкент заргарлик фабрикаси (1972 йилдан завод) ишга тушди, у ерда тилла занжирлар, ёқут, феруза, гавҳар ва бошқа қимматбаҳо тошлардан кўзлар қўйиб ишланган зирак ва узуклар, билагузуклар, никоҳ узукларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Нозик дид ва маҳорат билан ишланган ушбу қулай ва нафис тақинчоқларни аёллар доимо тақиб юриш имкониятига эгадир. Заргарлар янги зеб-зийнат буюмлари (жумладан, қашқарболдоқ, бухор исирғаси "шибирма", тўғноғич, билагузук, маржон ва бошқалар) билан бир қаторда анъанавий тақинчоқларни (масалан, исирға, узук, билагузук, маржонлардан иборат "Бозубанд", "Ойна-зирақ" ва бошқа тўпламлари) янгича ўзига хос безаклар билан яратмоқда.

Зебигардон, зебисина – зийнат буюми, аёлларнинг бўйнига тақилиб,



кўкракка тушиб турадиган тақинчоқ. Зебигардон шаклдор йирик турунч ва унга икки томонидан симметрик биришлаган 6 ҳуққачалардан иборат бўлиб, ўзаро халқа, садаф, маржонлардан тузилган занжирлар билан боғланган; ўртадаги икки параллел ҳуққача марказида кичик турунчи бўлган занжир орқали ўзаро боғланиб, зебигардон қатини ҳосил қилади. Марказий йирик турунжнинг юқори қисми 3 – 5 япроқли гўнча шаклида, қуйи қисмининг эча паства қараган бодом кўринишига эга бўлиб, шокилалар билан ҳошияланган. Ҳуққачалар ромб, тўртбурчак, айлана шаклида, айрим зебигардонларда сўнгги юқоридаги яқунловчилари 3 ва 5 бурчакли қилиб ишланган. Турунж ва ҳуққачалар босма нақшлар, қимматбаҳо тошлар, ранг-баранг ишчалар билан безатилган. Зебигардон Тошкент, Самарқанд, Фаргона водийсида кенг тарқалган. Фаргона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фондида ҳам XIX-XX асрларга оид заргарлар ясаган зебигардонлар ноёб экспонатлар қаторида сақланмоқда.

М.ЗОКИРОВА,

Санъат бўлими катта илмий ходими

Лойиха амалда

Музейда эл суйган санъаткорлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг аҳоли ўртасида маданият ва санъат соҳасини кенг тарғиб қилиш борасидаги кўрсатмаларига асо-

сан Фарғона вилоятида яшаб ижод қилиб келаётган таниқли санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Жумладан, 2021 йилнинг 22 январь куни Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида «Музейда эл суйган санъаткорлар» лойихасининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. У Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига

бағишланди.

Тадбирда Фарғона давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари доктори Бахриддин Усмонов ҳамда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Фарғона давлат университети ўқитувчиси Абдулхай Каримов ва унинг шоғирлари – санъатшунослик кафедраси талабалари иштирок этдилар.



Мозий тилга кирганда

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унутилаётган миллий ашана ва кадрятларимизни тиклашга имкон туғилди. Ўзбек миллий кийимлари ҳам халқимиз тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, моддий-маънавий ёдгорликлар ичида ўзига хослиги, этник белгилари билан ажралиб туради.

Миллий кийимларда қайсидир элат тарихига бориб тақаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, маърифий, диний ва эстетик шаклларнинг айрим унсурлари ифодаланади. Уларда халқимизнинг диди, гўзаллик тўғрисидаги идеаллари, хўжалик юртишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда оилавий турмушнинг айрим қирралари яққол кўзга ташланади. Мана шундай қадимий аёллар либосларидан бири паранжидир.

П А Р А Н Ж И

Либосларда акс этган тарих

Паранжи форсчадан таржима қилинганда кўйлак маъносини аниқлатади. Бу либоснинг тарихи узун ва мураккабдир. Фараджи (бузиб айтилганда «паранжи») Мисрда пайдо бўлган ва шарқ мамлакатларига тарқалган. Ўрта Осиёда Шайбонийлар даврида (XVI аср) олимларнинг кийими бўлган.

«Фараджи» сўзи аёллар ва эркаклар кийимини аниқлаган. Ўрта Осиё фараджисининг қадимий прототиплари мавжуд. Кўйлак устидан елкага ташлаб олинган, узун энглари осилиб турадиган жуда башанг ёпинч – қадимий Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларидан топилган терракота ҳайкалчаларнинг одатий буюми. Улар Анахита маъбудаси – сув ва табиат яратувчи кучлари ҳомиясининг тасвири. Авестода Анахита ёш ва бой кийинган киз тимсолида тасвирланган.

Туғаб бораётган феодализм даврида паранжининг вазифаси ўзгарди: у аёлни бегона кўзлардан асрайдиган бўлди. Айниқса, ислом қоидаларига мос келарди, унда аёлларнинг юзи ва қадди-қоматини имкон қадар беркиртиш талаб этиларди.

XIX асрда бачра мусулмон аёллар уйларида кўнчага қаёқтанда бошларига паранжи ташлаб олишган. Айнан ўша даврда паранжи аёллар кийимининг таркибий ва мажбурий қисми сифатида турмушга кириб келди.

Дастлаб аёллар паранжиси унча қиммат бўлмаган матолардан – 1860 йилларда кўк рангга бўялган бўздан тикилган. 1870 йиллардан бошлаб эса махсус тайёрланган, қўлда тўқилган параша матосидан тикилган.

Дастлаб оддийгина бўлган паранжи кейинроқ башанг, ёрқин, кашта тикилган, баҳя билан безатилиб, рангли ипақдан жияк тикилган ҳамда турли тусдаги попуқлар билан бойитилган. Буни ўлкада ўзига тўқ савдогарлар синфи пайдо бўлгани ва ўз бойликларини кўз-кўз қилишга интилиши билан тушунириш мумкин. XX асрнинг 30-йилларига Тошкент ва Фарғона паранжилари бичими ўзгармади. Фақат узунлиги фарқ қиларди. Илгари кўйлак кўринмаслиги учун паранжи товонгача тушса, вақт ўтиши билан бир мунча қисқариб, тиззадан биров паст турадиган бўлди. Иккинчи ўзгариш энгларда, ёки бошқача айтганда, бандакларда юз берди. Уларнинг узунлиги ҳам қисқарди.

Паранжи, баъзи қисмлари ҳисобга олинмаганда, асосан қўлда тикилган, ҳатто аёллар



турмушига тикув машинаси кириб келгандан кейин ҳам шундай бўлган. Яна доим астарли тикиларди. Астар сифатида арзон чит матодан фойдаланилган. Унинг кўйи қисмига яримлақ мато – ола адрас ёки дуруядан эни ярим метрли кенг чизик, паравуз (форсча фарвез) тикилган. Паранжи атрофига тор қўйиқ мато чизиги – магиз тикиб чиқилган, у ташқаридан 2 сантиметргача кўриниб турган. Ички томони 4-5 сантиметр атрофида бўлган. Ёнидан бир қатор қилиб тўқима жияк тутилган, унинг эни уч бармоқ узунлигида келиб, кўпинча қора рангга бўлган. У параша матосига ўхшатиб, ингичка қилиб тўқилган, шунинг учун параша жияк дейилган.

Паранжи тикиш жуда қийин, мураккаб ва сермашаққат меҳнат ҳисобланган. Махсус паранжидўз, бошқача қилиб айтганда, чеварлар бўлган. Улар паранжи тикиш учун буюртмалар олишган. Паранжини фақат аёллар тикишган, бу иш билан кўпинча оилада она-қизлар банд бўлишган. Бу меҳнатга жуда яхши ҳақ тўланган. Паранжи тикиладиган мато қанчалик қимматбаҳо бўлса, тикиш ҳақи ҳам шунча юқори айтилган. Буни паранжини яхшилаб тикиш ва безатиш учун кўп вақт сарфланиши билан тушунириш мумкин. Унга камида икки ой вақт талаб этилган.

Албатта, бозорда сотишга мўлжалланган паранжиларга унчалик кунт билан ёндашилган. Нақшлар ҳам қўлбола тикув ускуналаридан тикилган, яқна буюртмалар эса фақат қўлда тикилган ва нақшлар билан безатилган. Жараённинг қийинлигини ҳисобга олиб, буюртма берувчилар чеварларнинг дастурхон қилиб келишган. Унда 30 тача нон, ширинликлар ва қуруқ мевалар, хуллас, миёнча бўлган. Бундан ташқари, кўйлаклик мато ҳам қўйилган. Паранжи учун ҳақ иш тугатилгач тўланган, шунда ҳам буюртмачилар чевар олдида ўзларини қардор деб ҳисоблашган.

2-3 та паранжи аёлларга бир умрга етган. Битта паранжи қизларга 9 ёшида, қолганлари турмушга бериш вақтида тикилган. Бой хонадонларда паранжилар сони 4 тагача борган ва улар қимматбаҳо матолар – банорас, парча бахмалдан тикилган. Вақт ўтиши билан паранжи истеъмолдан чиқди. Энди у аёллар устки кийимининг ажралмас қисми бўлмади, фақат маросимларда фойдаланишга ўтилди: яъни тўй ва дафн маросимларида.

XX асрнинг бошларида келини куёв уйига паранжида олиб келиш одати бўлган. Келин гулхан ёнида ҳам палак остида паранжида ўтирган ва куёв уни гўшангага кўтариб олиб кетган. Эрталаб салом вақтида ҳам паранжи ёпиб чиқилган. Ҳатто чарларга ҳам келин паранжида келган.

Шундан сўнг паранжини унинг эгаси вафот этгунга қадар сандиққа солиб қўйиш урф бўлган. Аёл ҳаёт билан видолашса, дафн маросимида тобут бошига ёпилган. Паранжида қараб ўлган одамнинг ёшини аниқлаш мумкин бўлган. Агар 9 ёшдан кичик қизча вафот этса, тахтиравон устига қизил паранжи ёпилган, агар ёш аёл вафот этган бўлса, унинг энг яхши кишилик паранжиси ёпилган ва ниҳоят ўрта ёшдаги ёки кекса аёллар вафот этганида оддийгина кулранги ташлаб қўйилган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида паранжининг шакли, бичиш-тикиш техникаси ва фойдаланадиган матоси, рангларнинг танлиниши бир-бирдан кескин фарқланган.

Тошкент-Фарғона паранжилари зийнатли, бой ва ўзига хос бўлган ипақ кашта баҳя, турли жияклар билан безатилган. Юқорида таърифланган паранжилар Тошкент-Фарғона турига мансубдир. Паранжиларнинг Бухоро-Самарқанд тури ҳам Тошкентникига ўхшаш, лекин бичилиши, матоси ҳамда ранг билан ажралиб туради. Матолар тўқ рангли гулдор бўлган. Олд қисмида чўнтак учун ўйиқлар бўлмаган, шунингдек, кашта, жияк ҳамда бошқа деталлари ҳам йўқ. Фақат четлари ҳамда сохта энглари, асосан, қизил, оқ рангли кўп бўлган гул тикилган жияклар билан безатилган.

Қашқадарёда аёллар бош ёпинчигининг икки тури: паранжи ва желак бўлган. Улар ҳам бичилиши ҳамда ишлатиладиган матоси билан фарқланган. Паранжи аксарият ҳолларда ярим-ола олачадан тикилиб, астари оддий читдан бўлган. Ингичка кашта тикилган баҳя безак сифатида ишлатилган. Паранжилар учун одатда тўқ, кўзни олмайдиган ранглар танланган.

Желак ип гаэламадан астарсиз тикилган. Четлари ҳамда сохта энглари учи қора сатиндан тасма билан тикиб чиқилган ва машина ёки қўлда кашта тикиб безатилган. Қашқадарё, Сурхондарё аёллари желакдан ёз вақтида фойдаланишган. Хоразм (Хева) паранжилари бичилишининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Устки қисми яримлақ олачадан, астари эса читдан тикилган. Ёпинчигининг четлари ва сохта энгларидаги пастки қисми салла жияк тасмача билан безатилган. Одатда тўқ рангли матолардан фойдаланилган. Паранжининг устки қисми ва астари орасига юпка пахта қатлами солиб қавилган. Бу Хоразмнинг иқлимий шароити ва совуқ қишлари би-

лан боғлиқ бўлса керак.

Юқорида қайд этилганидек, чачвон паранжига қўшимча сифатида хизмат қилган. Чачвон ёки бошқача қилиб айтганда, чиммат – бу қора от ёлидан тўқилган зич тўр бўлиб, аёл кишининг юзи ҳамда кўкрагини ёпиб турган. Чачвон сўзи «чоч» – «соч» ва банд (сақловчи маъносидagi вон қўшимчаси)дан келиб чиққан бўлиши мумкин.

Чачвон шаклига кўра, тўғри тўртбурчакли мато бўлагидан иборат бўлиб, ўлчамлари турлича. Тошкентда энг кенг тарқалган чачвоннинг узунлиги 4 қарич, пешанадан белгача тушиб турган. Баъзан узунлиги 7 қарич бўлган, тиззагача тушиб турадиган фарғонача чачвонлар ҳам учраб туради. Уларни ишлаб чиқариш билан Ўратепа, Чуст аҳолиси, асосан, элак, галвир ишлаб чиқарадиган хунарманд лўлилар ва қурамалар (Тошкент яқинидаги Телов қишлоғи) шугўллинишган.



Ўратепа чачвонлари энг яхши ҳисобланган. Улар эгиловчан, юмшоқ бўлган ҳамда синиб кетганда ва узоқ вақт хизмат қилган.

Чачвонлар фақат қора от ёлидан (думидан) ишланган, оқ ёлдан нақшли, хандасавий йўллар шаклидаги безаклар учун фойдаланилган. Баъзида майда ҳаворан мунчоқлар билан безатилган. Бунда мунчоқлар чачвоннинг бутун юзасига оралатиб жойлаштирилган.

Одатда чачвон игна билан тикилган, лекин тўқималари ҳам бўлган. Улар бўйра чачвон деб аталган, сифати тикилганлардан анча пастроқ. Қизлар чачвон тақиймаган, фақат турмушга чиққач эрлари сотиб олиб беришган. Паранжи бош ёпинчиги сифатида истеъмолдан чиққач чачвон ҳам ўз-ўзидан йўқолди.

Паранжи ва чачвонлар Ўзбекистон аёлларининг ўша давр ҳаёт тарзидан сўзловчи, шунингдек, кийимлар тарихи бўйича манба сифатида музей буюмига айланган.

Дилафрўз МУСТАФОЕВА,
Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим бошлиғи



Хотира кечаси

Ўзбекистон Халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2020 йилнинг 26 январь куни Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳридаги 20-болалар мусика ва санъат мактабида хотира кечаси ўтказилди.

Унда Шахрисабз шаҳар ҳокими в.б. С.Турсунова, Ўзбекистонда хиз-



мат кўрсатган маданият ходими, "Эл-юрт хурмати" ордени, "Фидокорона хизматлари учун" орденлари соҳиби Э.Боймуродов, тақлиф этилган меҳмонлар ҳамда мактабнинг эстрада хонандалиги ҳамда чолгу ижрочилиги, торли чолгулар йўналишлари ва хор дирижёрлиги ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этишди. Шунингдек, кеча давомида маҳорат дарслари, тасвирий

санъат бўлимининг ўқувчилари томонидан тайёрланган портретлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Ботир Зокиров томонидан яратилган кўшиқлар ўқувчи ва ўқитувчилар томонидан ижро этилиб, томошабинлар олқиши билан қарши олинди. Шу билан бирга иқтидорли ўқувчиларга шаҳар ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Истеъдод

Халқаро эътироф



Наманган давлат университетида кўплаб истеъдодли талабалар тахсил олишади. Улар орасида нафақат республикамиз, балки дунё сахналарида ҳам ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этиб келаётганлар бор.

Университетининг мусика таълими ва маданияти факультети талабаси Исломжон Муродиллаев ҳам ана шундай зукко ёшлар сирасидан. У шу йил 18 январь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Престиж" халқаро онлайн кўрик-танловда "Халқ чолгулари (доира)" йўналишида иштирок этиб, ғолиблик дипломини қўлга киритди.

Концерт



"Райҳоннинг нурли наволари"

Фольклор кўшиқларида халқ ҳаётининг турли кўринишлари ўз бадиий ифодасини топади. Унинг "халқ", "доғишман" деган маъноларни билдириши ҳам бежиз эмас.

Қадим-қадимдан турли соҳа эгалари томонидан яратилган қасб, меҳнат тури, табиат, фасллар, оилавий расм-русумлар, мавсум-маросимлар билан боғлиқ фольклор мусикалар замирида халқ доғишманлигининг ўзига хослиги мужассамлашган. Бундай мусика асарлари тингловчиларда ўзи мансуб бўлган элат тарихи, тили, урф-одатлари, боқий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, қадрлаш туйғуларини уйғотади.

Жиззах шаҳрида ҳам ранг-баранг маданий анъаналарга эга ўзига хос қадимий кўшиқлар, урф-одат ва анъаналарга боғлиқ қадриятлар шаклланган. Жойлардаги фольклор жамоалар улар асосида ўз репертуарларини доимий бойитиб келмоқда. Жумладан, Кўзи ожизлар маданият маркази қошида фаолият кўрсатаётган "Райҳон" фольклор-этнографик халқ ансамбли ҳам.

Миллий кўшиқчилик санъати дурдонаси бўлган фольклор санъатини кенг тарғиб этиш, вилоятнинг ўзига хос куй-кўшиқ, рақс, мусика ва сахна кўринишлари, аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одат ва қадриятларини халқимизга етказиш, мазкур санъат тури ижодкорлари ўртасида ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида жорий йил февраль-март ойларида Жиззах шаҳар маданият марказида "Райҳон" фольклор-этнографик халқ ансамблининг навбатдаги "Райҳоннинг нурли наволари" номли концерт дастури бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Дастурдан ота-боболаримиз, моом-буваларимиз томонидан ижро қилинган шаҳар ҳудудига хос – "Тўй маросими", "Ололмайсан", "Чимилдик" удумлари, шунингдек, Юсуф Мирзаев, Хуршида Турсунпўлатовалар ижросидаги "Улан айтишуви", Нортожи Хайдарова, Замира Абдуҷабборов, Зарифа Хошимовалар ижросидаги "Лайло-лайло", "Хай боға", "Чархим" каби кўшиқлари, Нишонбой Ҳўрознинг бахшичилик йўналишидаги дostonларидан термалар каби асарлар ўрин олган.

Ғ.ЮНУСОВ,
Жиззах шаҳар маданият бўлими мудири

Адабий-бадиий кеча

25 январь куни мумтоз ғазаллар соҳиби, ҳажвчи шоир Жавдат Абдулланнинг 115 йиллик юбилейига бағишланган "Ҳақни ёз халқ номидан" номли адабий-бадиий анжуман бўлиб ўтди.

"Ҳақни ёз халқ номидан"

Унда Кўкон шаҳар ҳокими М.А.Усмонов, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий сенат аъзоси Энахон Сиддиқова, Кўкон давлат музей-кўриқхонаси илмий ходимлари Мадинахон Абдуллаева, Муаттархон Носирова, Хилолаҳон Жабборова, филология фанлари номзоди, хонанда Назирхон Назаров, филология фанлари номзоди Абдуллатиф Турдалиев, ада-

биётшинос ва драматург Сайдали Олимов, шоирнинг ўғли Манзур Абдуллаев ва бошқалар шоирнинг ҳаёти ва ижодини хотирлашди. Анжуманнинг бадиий қисмида "Кўкон ёр-ёри" ансамбли ижросида шоир шеърига басталанган "Шайдосиман" кўшиғи куйланди. Ёш ижодкорлар томонидан шоир ғазаллари ифодали ўқиб берилди.



Ўрнак олгулик амал

Тарихдан ибрат

Яқинда бир видеороликка кўзим тушди. Очғи, ундан яхшигина сабоқ олдим, таъбирландим. Айниқса, у бугунги кунимизда "айримлар" учун ибрат бўлиши аниқ.

Усмонийлар империяси ҳудудларида "Садақа тоши" деб аталган эҳсон қилинадиган жой бўлган экан. Устунга ўхшатиб ўрнатилган, ичи бироз чуқур тош бўлиб, ривоятларда айтилишича, шу жониз гувоҳ қанчадан-қанча инсонларнинг саҳовати-ю, сонсаноксиз етим-есирлар шукронасига шоҳидлик қилган.

Ушбу ибратли ҳикоятдан хабар топгач, у ҳақида кўпроқ маълумот олишга қизиқдим ва тўплаган билимларим асосида қадим-қадимдан мавжуд бўлган инсоний фазилатлардан бирини сизга ҳам илиндим.

"Садақа" ёки "Хайрия тоши" – ўзига тўқ, кўнглида инсонийлик гуллаган кишилар муҳтожларга пул қолдириб кетадиган махсус жой бўлиб, тарихнинг гувоҳлик беришича, мазкур одат Салжуқийлар давридан бошланган.

Кишининг белигача ҳам келмайдиган ушбу тош устунига нега бундай ном берилганининг ҳам ўзига яраша сабаби бор. "Садақа тоши" одамлар яшайдиган жойларнинг бир бурчига ўрнатилган бўлиб, мақсад – тош чуқурчасига йиғилган пулларни олаётган камбағал, етим-есир, бева-бечора, умуман, пулга муҳтож кимсани уятдан, хижолатдан қутқариш эди. Салжуқийлар давлатида эҳсонлар зориққанларни хафа

қилиб қўйишдан қўрқар эди.

Улардан кейин мамлакатда ўз ҳокимиятини ўрнатган Усмонийлар ҳам бу одатни чеклашмади, аксинча, янада урфга киритди. Бора-бора "Садақа тоши" мамлакатнинг турли ҳудудларига тарқалди. Изланишлар шуни кўрсатадики, мазкур одат Усмоғли империяси ҳукмрон бўлган Болгария, Босния-Герцеговина, Македония, Тунис ва Жазоир каби турли минтақаларга ҳам ёйилган. Истанбулнинг ўзида 160 та хайрия тошлари бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Улардан энг машҳури Ускудардаги Ибраҳим масжиди олдида жойлашган қизил гранитдан ўйилган хайрия тоши эди.

Дунёнинг бир камлиги шундаки, кимнидир бойлиги, яна бировни улкан гурури билан синайди. Инсонга ато этилган барча нарсалар омонат эканлигини етарли даражада фаҳмлаган ўша давр уламолари йўқсиллар кўнглини шод этишнинг ана шундай йўлини

ўйлаб топишган.

"Унғ қўлинг берганини чапи билмасин" деган нақл ҳам бежиз айтилмаган. Савобталаб инсон қилган эҳсони ошқора этилишида ҳеч қандай савоб йўқлигини, шунингдек, бу худбинликнинг энг ёмон кўриниши эканлигини биларди. Мазкур тизим ҳар иккала тарафнинг ҳам мушқулини осон қилди.

Шунингдек, ўша давр доғишманлари фикрича, бу тадбир олувчини хижолатдан, берувчини иккиозламачиликдан, риёкорликдан узоқлаштиришдан кўмаклашган. Чунки "Хайрия тоши"га пул ташлаб кетадиган саҳоватпешани ҳам, йиғилган эҳсонни ўз эҳтиёжи учун олган ночор йўқсилларни ҳам ҳеч ким кўрмаган. Боиси пул ташлаб кетувчи ҳам, олувчи ҳам ярим кечада келиб кетишарди. Мақтов киши табиатини худбинликка мойил қилиб қўйишини давр фозиллари яхши англашган.

Албатта, бу ўрнак олгулик амалдир. Бугун салом беришини ҳам роликка муҳрлаб, ижтимоий тармоқларга тарқатаётган "Like" фурушлар, мақтов олишга муккасидан кетганлар, бир ҳовуч улашиб, икки қучоқ олишни ниёт қилганлар учун, айниқса, ибратлидир.

Мазкур видеороликни кузата туриб, бугун ҳар бир ишини кўз-кўз қилиб, балл йиғишни машғулота айлантирган "саҳоватпеша"лар кўз олдимга келди. Ё қўбат ортда қолди ёки биз ундан олдинлаб кетдик.

Оламғир АБДИЕВ



<p>МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатида ўтказилган.</p>	<p>Нашр учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содикова Адади - 6273 Буюртма - Г - 117 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок</p>	<p>Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 00.20 Топширилди - 23.50 1 2 3 4 5 6</p>
	<p>МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги</p>	<p>Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.